



**Қурилишда
назорат
инспектори
қандай
вазифа
бажаради?**

➤➤➤ 2-бет



**Боғчага 120 нафар бола
қамраб олинди**

➤➤➤ 3-бет



**Урганчда янги кўприк
фойдаланишга
топширилди**

➤➤➤ 3-бет



**Европада осмонўпар
бинолар нега кам?**

➤➤➤ 6-бет



О‘ЗБЕКИСТОН ВУНҲУДОКОРИ

ЎТЇМОЇҲ-ЇҚТЇСОДИҲ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 6 (559)
2022 йил 28 январь,
жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ “ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь кунини видеоконференция шаклида ўтган “Ҳиндистон – Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ҳам қатнашди. Етакчилар минтақа мамлакатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги аънавий яқин ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини кўриб чиқдилар. Халқаро сийosatнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг аввалида ушбу учрашувнинг стратегик шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг узок мuddатли истиқболга мўлжалланган янги кун тартибини шакллантиришдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди. Бунга мамлакат ва халқларимизни боғлаб турган чуқур тарихий илдишлар ишончли замин бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, минг йиллар мобайнида минтақамиз ва Ҳиндистон халқлари ўртасида фаол гуманитар алмашинувлар ва савдо алоқалари мавжуд бўлган, уларнинг маданияти, анъаналари ва маънавий қадриятлари бир-бирини бойитиб келган.

Давлатимиз раҳбари “Ҳиндистон – Марказий Осиё” форматидagi амалий ҳамкорликни илгари суришнинг стратегик устувор йўналишларини белгилаб, бу борада аниқ таклифларни илгари сурди.

Биринчи устувор йўналиш сифатида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилиш, Ҳиндистоннинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини жорий қилиш орқали инсон капиталини ривожлантириш белгилан олдинди.

Бунга мисол тариқасида кейинги йилларда мамлакатимизда Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан биргаликда замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилгани кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда, Ҳиндистоннинг етакчи тиббий университетларининг Ўзбекистондаги филиаллари қошида бундай клиникалар тармоғи янада кенгайтирилди.

Президентимиз фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олишни жаддалаштириш, вирусолог врачлар тайёрлаш дастурларини бошлаш, аънавий тиббиёт усулларини кенг жорий қилиш ташаббусларини билдирди. Уларни илгари суриш мақсадида ҳар йили қўшма Соғлиқни сақлаш форумини ўтказиб бориш таклиф қилинди.

Юртимиз таълим соҳасида Ҳиндистоннинг учта йирик олий таълим муассасалари муваффақиятли фаолият юритмоқда, халқаро мактаблар очиб дастурлари амалга оширилмоқда. Ҳиндистоннинг тилларни ўқитиш методикаси жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон етакчиси янги университетлар ва профессионал таълим марказларини очиб, илмий ва академик алмашинувларни йўлга қўйиш, инновацион ишланмалар ва стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги шерикликнинг кенг истиқболлари алоҳида қайд этилди. Рақамлаштириш соҳасида жаҳоннинг пешқадамларидан бири ҳисобланган Ҳиндистон мамлакатимиз ИТ тармоғи ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Рақамли, молиявий ва блокчейн технологияларини ривожлантириш, киберхавфсизлик ва кадрлар тайёрлаш борасида, шу жумладан, мавжуд платформалар негизида

ҳамкорлик қилишнинг минтақавий дастурини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Иккинчи энг муҳим стратегик устувор йўналиш сифатида давлатимиз раҳбари иқтисодий шерикликни кенгайтиришни таклиф этди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб икки баробарга ортди, қўшма корхоналар сони 400 тага етди. Йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Андижон вилоятининг Гужарат штати билан кооперацияси муваффақиятли ривожланмоқда.

Тадбиркорлар ва худудлар даражасидаги бевоосита алоқаларни рағбатлантириш, инвестициялар ва савдо соҳасида янги ўсиш нуқталарини аниқлаш мақсадида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” ишбилармонлар кенгаши фаолиятига жадал суръат бағишлаш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти минтақа мамлакатлари ўртасидаги транспорт алоқалари самарадорлигини ошириш ва замонавий инфратузилма яратиш масалаларининг устувор аҳамиятини қайд этди.

“Куруқ” портлар тармоғини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, юк ташишда чегирма ва имтиёзли тарифлар тақдими, божхона тартиботларини соддалаштириш мақсадида транспорт вазирларининг кўп томонлама учрашувлари механизминини йўлга қўйиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Энергетик самарадорлик ва “яшил” таракқиёт соҳаларида Ҳиндистоннинг илғор тажрибасини ва кооперация истиқболларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги минтақавий ҳамкорлик масалаларини жорий йилнинг сентябрь ойида Оролбўйида ўтказилган халқаро форумда муҳокама қилиш таклифи илгари сурилди.

Маданий-гуманитар соҳа учинчи устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Музейларро ҳамкорлик, кўргазма ва анжуманлар ташкил этиш, кўлэзма фондларини рақамлаштириш ва виртуал кутубхона яратиш, умумий тарихий-археологик меросни тадқиқ этишни назарда тутадиган қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан минтақа мамлакатларида Ҳинд маданияти ва киноси фестивалларини ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга алоҳида тўхталди. Ушбу мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, гуманитар инқирознинг авж олишига йўл қўймаслик, йирик инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга кўмаклашиш чораларини кўриш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси Бош вазир Нарендра Моди ва дўст Ҳиндистон халқини Республика кунини мамлакат мустақиллигининг бўлажақ 75 йиллиги билан табриклади.

Бошқа делегациялар раҳбарлари ҳам ўз нутқларида шериклик муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни, энг аввало, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, инфратузилма, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва туризм соҳаларида кенгайтириш учун катта имкониятлар борлигини қайд этдилар.

Саммит якунида Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар баён қилинган Деҳли декларацияси қабул қилинди.



Фарғонада Жанубий Корея тажрибаси асосида экошаҳар қурилиши бошланди

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона шаҳрида барпо этилаётган экошаҳар ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивига тамал тоши қўйилди. Тантанали маросимда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, сектор раҳбарлари, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

“Инсон қадрини унвон қилиш” деган эзу тамойил бугун барча жаҳонда ўз ифодасини топтомоқда. Айниқса, кейинги йилларда

аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш даражасини янада яхшилаш ишларига муҳим эътибор қаратилаётгани замирида ҳам ана шу улғувор мақсад муҳим. Фарғона вилоятида ўтган йил мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан 6 минг 369 хонадонли 193 та кўп қаватли уйлар бунёд этилди.

Мамлакат бўйлаб “Бағдоқ тажрибаси” дея эътироф этилган массивнинг қад ростлаши муҳим воқеалик бўлди, десак янглишмаймиз. Дарҳақиқат, қисқа фурсат ичида Бағдоқ тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1 минг 236 хонадонни жамаля

ган 61 та замонавий кўп қаватли тураржойлардан иборат шаҳарча буй кўрсатди. Бу ерда аҳоли учун барча инфратузилма яратилди. Қишлоқ жойларида барпо этилаётган замонавий кўп қаватли турар жойлар қурилиши фақат Бағдоқ тумани билан чекланиб қолмади. Катта шаҳарлардагидан қилинмайдиган, ўзида болалар майдончаси, спорт майдончаси, автотурагohlарни муҳасам қилган турар жой мажмуалари Бувайда, Учкўприк, Олтиариқ ва бошқа туманларда ҳам қад ростлади. Жорий йилда бу ишлар давом эттирилаётган бўлиб, Фарғона шаҳри, Фарғона ва Ёзёвон туманида “Янги Ўзбекистон” массивларининг қурилиши кўзда тутилган.

Хусусан, вилоят марказида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарчини бунёд этиш ишларига киришилмоқда. Ҳозирга қадар экошаҳардаги “Янги Ўзбекистон” боғининг қарийб 40 гектар майдонига

манзарали дарахтлар экилди ва бу ишлар давом этмоқда.

– Бугун Фарғона вилояти ҳаётида тарихий кун, – дейди вилоят ҳокими. – Катта мақсадлар ва юксак марраларни кузлаган ҳолда кўп қаватли уйлар қурилишига киришилмоқда. Биринчи босқичда 80 та кўп қаватли уйларни бунёд этишни режалаштиряпмиз. Икки йилда экошаҳарнинг қурилишини якунламоқчимиз. Бу ердаги ҳар бир ишнинг ўз эгаси бор. Тасаввур қилинг икки йилда мана шу 300 гектарлик дашт майдон ўрнида кўп қаватли уй-жойлар, “Янги Ўзбекистон” боғи, мактаб, поликлиника, қўйингки, барча инфратузилмага эга шаҳарча пайдо бўлади. Қолаверса, лойиҳа оддий эмас. Президентимизнинг топшириғига кўра Жанубий Корея тажрибаси асосида бу шаҳарчининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. 7, 9, 12, 25-қаватли уйларнинг нарҳини аҳолига мақбул келадиган қилиб белгиляпмиз. Шунингдек, бу ерда барча инфратузилма яратилади.



ЎзА суратлари.

Жиззах вилояти

Бахмалда ўзгаришлар палласи

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ортада қолган 2021 йил ҳам мамлакатимиз аҳолиси учун мазмуни ва баракали бўлди. Буни Бахмал туманида қилинган ишлар, қатор ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Манзилли дастур" асосида туман марказида қурилган Маданият бўлими ва маданият саройи қурилишига 5 млрд 317 млн сўмлик маблағ сарфланди. Янги бино келгусида аҳолининг маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Давлат дастурлари асосида 150 ўринли Уснат текстиль фабрикасини қуриш ишларига тадбиркор томонидан 2 млрд 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Жиҳозлаш ишлари учун ҳоимлар ҳисобидан 2 млрд 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Файзобод қишлоғида фабриканинг очилиши муносабати билан "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да турган кўп

опа-сингилларимиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бундан ташқари, Уснат шаҳарчасида буюджетдан 3 млрд 195 млн 400 минг сўм маблағ эвазига қуриб битказилган тиббиёт бўлимига қарашли юқумли касалликлар бўлимининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 19-сонли умумтаълим мактабига эса қўшимча янги бино қуриб берилиши ҳам ислохотларнинг амалдаги яна бир кўриниши бўлди. Бунинг учун Инвестиция дастури доирасида 4 млрд 260 млн сўм маблағ сарфланди.

Туманда мактабгача таълимга болаларни қамраб олиш даражасини 70 фоизга етказиш бўйича қўйилган вазифа асосида 3-сон давлат мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси қуриб битказилди. 3 млрд 615 млн сўмлик маблағи эвазига 150 ўринли боғчанинг ишга туширилиши болажонларга муносиб соғва бўлди. Замонавий шароитларда улғайётган ёшларимиз келгусида албатта, мамлакатимиз раванқиға ҳисса қўшишади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига туҳфа

Жойларда соҳа ходимларининг тезкорлик билан фаолият олиб боришини таъминлаш, ички ишлар бўлинулари аҳолига яқинлаштириш, уларга шарт-шароит яратиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Дўстлик туманидаги Саноатчилар маҳалласида туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур бинонинг очилиш мароси-

мида ИИБ ЙХББ ҳамда вилояти ИИБ масъуллари, фахрийлар ва фаоллар иштирок этишди. Тадбирда юрт тинчлиги ва осойишталиги, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли касб эгаларига юксак ишонч билдирилди.

Бинода маърифат хонаси, ходимларнинг ҳар бири учун алоҳида хоналар ажратилиб, янги жиҳозлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Ходимларнинг ҳордиқ чиқариши, овқатланиши ва спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Олис қишлоқлар обод бўлди

Фориш туманига қарашли қишлоқлар нисбатан тарқоқ жойлашган. Бу аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиши, шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг мактабга қатнашларида муаммолар келтириб чиқаради. Эндиликда бир қанча қишлоқларда йўллар таъмирланиб, янги шифо масканлари ва мактаб филиаллари қуриб битказилди.

Туман марказидан 25 қақирим олисдаги Учқулоч оилавий шиφοкорлик пункти илгари кўримсиз ҳолатда эди. Жорий капитал таъмирдан сўнг шифо маркази тиббиёт ходимлари ва аҳоли учун қулай шароитларга эга масканга айланди. Зарур тиббий анжомлар билан таъминланган пунктда 1 нафар умумий амалиёт шиφοкори ва 6 нафар ўрта тиббиёт ходимлари эндиликда пастки ва юқори Учқулоч, Янгиобод қишлоқларининг 2 минг 154 нафар аҳолисига сифатли хизмат кўрсатади. Туманинг Гараша қишлоғида ҳам туғруқ бўлими ҳамда тез тиббий ёрдам марказининг янги бинолари қуриб битказилди.

Янгиобод – чўпон оилалари ис-

тикомат қиладиган 200 нафарга яқин аҳолига эга кичик гўша. Шу пайтга қадар қишлоқ фарзандлари 4-5 километр йўл босиб, Учқулочдаги 10-сонли мактабга қатнар эди. Аинқиса, қиш кунларида ота-оналарнинг хавотирини янада ортарди. Қишлоқда мўъжазгина мактаб филиали қуриб битказилиши билан 20 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг узоғи яқин бўлди. Шунингдек, аҳолиси 250 нафардан иборат Абдукарим қишлоғининг мактаб ўқувчилари учун маҳаллий бюджетнинг ортирилган маблағлари ҳисобидан янги мактаб филиали қуриб берилди.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида Нурута тоғ тизмалари бағридаги Ухум қишлоғи аҳолисини шу пайтга қадар қийнаб келган тоғ йўли асфальтланди. Хонбанди шаҳарчасида 300 ўринга мўлжалланган 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. Бу ерда болажонларга русча ва соғломлаштириш, инглиз, рус тиллари пухта ўргатилади.

Фориш туманидаги янгилинишлар инсонларнинг фаровон яшашларига қаратилгани билан муҳимдир. Олиб берилаётган амалий бунёдкорликлар худуд аҳолисининг турмуш тарзини яқинлашга хизмат қилади.

Қашқадарё вилояти

Болажонларга қувонч улашилди

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Чирокчи туманининг Додиқ ва Чилживит қишлоқларида 120 ва 90 нафар қаровга эга 21- ҳамда 20-давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти йўлга қўйилди.

5 млрд сўмга яқин маблағ эвазига тўлиқ таъмирдан чиқарилган боғчаларда барча шароитлар яратилган бўлиб, қўшимча равишда рус ва инглиз тиллари, ментал арифметика, расм ҳамда моҳир кўллар, бадий гимнастика

бўйича ҳам тўғрақлар ташкил этилган. Мазкур боғчаларга "Аёллар дафтари" ва "Темир дафтар"даги оилаларнинг фарзандлари имтиёзли равишда қабул қилинади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, мазкур даргоҳлар фаолият бошлаши ортидан 50 нафарга яқин доимий иш ўрни яратилди. Матълумот ўрнида айтиш керакки, туманда бугунги кунда 24 та давлат мактабгача таълим, 9 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 225 та оилавий боғча фаолият кўрсатаётган бўлиб, 3-7 ёшли болаларнинг 13 минг 700 нафари қамраб олинган.

Янги завод қурилади

Кундан-кунга йирик корхоналар ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилаётган Қарши туманида Туркия билан ҳамкорликда сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи завод барпо этилмоқда.

"Omad Start" МЧЖ ташаббуси билан Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигидаги мазкур заводнинг умумий лойиҳа қиймати 35 млн АҚШ долларини ташкил этади. Матълумот учун: корхона фаолиятини бошлаши ҳисобига туман аҳолиси учун 250 та доимий ва 300 та мавсумий иш ўринлари яратилади.

Лойиҳанинг давоми – амалда

Айни кунларда Қарши шаҳрида махсус техникалар иштирокида шаҳарнинг Мустақиллик шоҳқўчаси ва темир йўл вокзали олдида ичимлик сув тармоғини ўтказиш ишлари олиб борилапти.

Умуман шаҳарда 2021 йилда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 22 та ишоотда 217,8 километр сув тармоқлари тортилган. Жорий йилда лойиҳанинг давоми сифатида 48,7 километр тармоқ тортиш ва 3 та сув ишоотини реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

Наманган вилояти

Боғчага 120 нафар бола қамраб олинди

Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғи Янгиичек маҳалласида янги барпо этилган 10-мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Инвестиция дастури асосида 3,2 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган боғчага худуддаги 120 нафар бола қамраб олинди.

Муассаса очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда туман ҳокими Аъзамжон Султонов, туман прокурори Хусниддин Ҳакимов, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш керак, туманда 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига қамрови 2017 йилда 29,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йил якуни билан бу кўрсаткич 81,9 фоизга етказилди. Бугун туманда мавжуд 17 906 нафар 3-7 ёшли боланинг 14 673 нафари мактабгача таълимга қамраб олинган.

Сўнгги тўрт йилда туманда 7 та давлат тасарруфидаги, 2 та нодавлат ва 1 та давлат хусусий шерикчилик асосидаги ҳамда 230 та оилавий нодавлат мактабгача ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.



Суратларда: Янгиичек маҳалласида янги барпо этилган 10-мактабгача таълим ташкилотига. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Хоразм вилояти



Урганчда янги кўприк фойдаланишга топширилди

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

Урганч шаҳридаги Шовот канали устидан ўтувчи кўприк қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган очилиш маросимида нуронийлар, ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан шуғулланувчи ҳайдовчи Дониёр Шержонов. – Олдин Урганч, Янгиариқ, Кўшкўпир, Хива туманлари ва Хива шаҳрига чиқиш ёки Урганч шаҳрига кириш учун тирбанд кўчалардан юришга тўғри келарди. Ҳатто соатлаб тирбандликларда қолиб кетган пайтларимиз ҳам бўлди. Ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилгани масофа, вақт, ёқилги сарфини ҳам қисқартирди.

Матълумот ўрнида, вилоятда 2021 йилда 42 та кўприк таъмирланиб фойдаланишга топширилган. Жорий йилда яна 50 та кўприкни қуриш ва қайта қуриш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан келишиб молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш ишлари олиб боришмоқда.

– Янги кўприк фойдаланишга топширилганлигидан хурсандмиз, бу катта қулайлик бўлди, – дейди яқка тартибда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳайдовчи Дониёр Шержонов. – Олдин Урганч, Янгиариқ, Кўшкўпир, Хива туманлари ва Хива шаҳрига чиқиш ёки Урганч шаҳрига кириш учун тирбанд кўчалардан юришга тўғри келарди. Ҳатто соатлаб тирбандликларда қолиб кетган пайтларимиз ҳам бўлди. Ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилгани масофа, вақт, ёқилги сарфини ҳам қисқартирди.

Матълумот ўрнида, вилоятда 2021 йилда 42 та кўприк таъмирланиб фойдаланишга топширилган. Жорий йилда яна 50 та кўприкни қуриш ва қайта қуриш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан келишиб молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш ишлари олиб боришмоқда.

Самарқанд вилояти

"Имкон"нинг имконияти кенгаймоқда

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанд шаҳрида "Imkon treyd cent" МЧЖ тасарруфидаги йирик савдо дўкони иш бошлади. Бу "Оилавий тараққиёт сари" шиори остида фаолият кўрсатиб келаётган жамоанинг республикамиз бўйича очилган 16-филиали ҳисобланади.

Аслида 2012 йилда Фарғонада ташкил этилган жамият йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Тадбиркорлар аҳолига қулай нархлар ва ортиқча оврагарчиликсиз сифатли хизмат кўрсатишни асосий мақсад қилиб олишган. Бу ердан биргина фуқаролик паспорти билан 5000 хилдан ортиқ маиший техника, мебель, эхтиёт қисмлар, спорт анжомлари, болалар ўйинчоқлари, электроника, сантехника, ошхона жиҳозлари, уй-рўзгор буюмлари ва парфюмерия маҳсулотларини муддатли тўлов орқа-

ли харид қилиш имконияти ҳам яратилганлиги диққатга сазовор.

– Биз халқимизнинг яхши яшаши, қулайликлардан баҳраманд бўлиши ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимиз, – деди бошқарув раиси ўринбосари Давронбек Муродов. – Ҳозиргина 1000 дан зиёд йигит-қиз бизда меҳнат қилиб, хонадонларга фойзал киритишга ўз ҳиссасини қўшаётти. Биргина Самарқанддаги марказга 70 нафар кишини ишга жалб этдик. Яқин орада вилоятда яна бешта филиални очишни режалаштирганимиз.

Айтиш жоизки, "Имкон" дўконлар тармоғида сотилаётган маҳсулотларнинг 50 фоиздан кўриги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, улар миждоз талаби ва диддан келиб чиқиб, буюртма асосида етказиб берилмоқда. Муҳими, товарларни уйга олиб бориш, ўрнатиш ва ўргатиш мулкдо бўлуп амалга оширилади. Но-соз чиққан маҳсулотни таъмирлаш учун эса сервис хизмати ҳам ташкил этилган.

Кўқоннинг бир купни

Маҳсулотларга талабгор кўп

Зайлобиддин ЙГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўқон шаҳрида фаолият юритаётган ҳунарманд Ҳикматхон Ғиёсова раҳбарлигидаги миллий тақинчоқлар устахонасида ўнлаб қизлар даромадли ҳунар сирларини устозларидан қўнт билан ўрганимоқда.

Устахонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Кўқон бозоридан ташқари Тошкент шаҳридаги савдо ярмаркаларида ҳам талаб юқори бўлмоқда. Бундан икки йил аввал Кўқонда ўтган биринчи халқаро ҳунармандчилик фестивалида ҳунарманднинг маҳсулотлари жуда харидорғир бўлган эди. Бу йилги ўтказилиши режалаштирилган фестивалда ҳам Ҳикматхон Ғиёсова янгича турдаги маҳсулотларини тақдим этишни мақсад қилган.

Фестивалга тайёргарлик бошланди

Шаҳарда жорий йилнинг ёзида ўтадиган 2-Халқаро ҳунармандчилик фестивалига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, Ўрда майдонида олиб борилаётган ишлар барчанинг эътиборини тортаяпти. "Яшил макон" лойиҳаси доирасида манзарали ва кўп йиллик дароҳт кўчатлари ўтказилди.

Экскурсия уюштирилди

Яқинда Фарғона шаҳридаги Корёя халқаро университети талабалари шаҳардаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларга экскурсия қилиш асосида "Жанубий Корёянинг "Hanshin" компаниясига қарашли шоу-рум билан ҳам танишди.

Кўқон шаҳрида яқин келажакда қуриладиган уйлар мавзеси, замонавий қурилиш ашёлари ва инновацион услублар ҳақида "Hanshin park siti" лойиҳаси раҳбари Ли Кил Тай маълумот берди. Аинқиса қурилиш ва дизайн соҳасида таҳсил олаётган талабаларга кўп қаватли уйларни шаҳарнинг иқлим шароитига мослаштириш борасида назарда тутилган технологик ечимлар катта қизиқиш уйғотди.

Тадбиркорлар муаммолари ҳал этиляпти

Яқинда шаҳар раҳбарлари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Platinum-textile" корхонасида бўлишди.

Йилига 85 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхона 95 фоизи хорижга экспорт қилинади. Бу жойда 1 000 дан зиёд хотин-қизлар доирасида маҳсулотларнинг тарқатиш ишлари бошланди.

Шаҳарда илк рақамли банк

Кўқонда рақамли банк "ТБС Банк" АТБ минтақавий шоу-руми ишбилармон-тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда очилди.

– Кўқонда рақамли банк хизмати кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга, – деди "ТБС Банк" АТБ бошқарув кенгаши раиси Спартак Тетрашвили. – Зеро, Кўқон Фарғона вилоятининг кимё, пахтачи қайта ишлаш, машинасозлик, озик-овқат ва энгил саноат маркази саналади. Шу жиҳатдан фойдаланувчилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, фикр-мулоҳазаларини ўрганимиз ва

жонли мулоқот орқали маслаҳатлар берамиз.

"ТБС Банк"нинг шоу-румлари стандарт банк филиалларидан тубдан фарқ қилади. Яъни, мазкур банкининг барча хизматларидан онлайн фойдаланиш мумкин. Янги банк иш бошлаши билан вилоятда хорижий банклар сони учтага, акциядорлик тижорат банклари эса 22 тага етди.

"Кўқон" ёшлар

кичик саноат зонасида

"Кўқон" ёшлар кичик саноат зонасида жойлаштирилган 64 та лойиҳанинг 16 тасида қурилиш ишлари якуний босқичга кирди, 33 тасида эса ишлар жадаллик билан давом этмоқда.

Ҳозирда бир неча корхонада арматура, текстиль ва резина маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Умумий қиймати 266 миллиард сўм бўлган лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 2,5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР

90 ЎРИНЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ



Райхона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

90 ўринли мактабгача таълим ташкилоти намунавий ишчи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги "Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5144-сонли қарори ижроси асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 137-сон Раёсати мажлиси баёнига асосан яратилган.

Намунавий лойиҳа "Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти" давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган.

Техник иқтисодий кўрсаткичлар:
– қурилиш майдони (застройка) – 657,8 м²;
– умумий майдон – 898,0 м²;
– қурилиш ҳажми – 4817,6 м³ни ташкил этади.

Мактабгача таълим ташкилотининг режасида қуйидаги бино ва иншоотлар лойиҳалаштирилган: МТТ биноси, қоровулхона, чўмилиш ҳавзаси, ёнгина қарши сув ҳавзаси, қозонхона, ташқи

ҳожатхона, оқова сув хандақи, болалар айвончаси, хўжалик майдони, болалар ўйингоҳи, йўл ҳаракати қондалари майдончаси, спорт майдончаси, чиқинди-хона.

Шунингдек, лойиҳада ҳовли ҳудудларини ободонлаштириш ва тўлиқ кўкаламзорлаштириш ишлари назарда тутилган.

МТТ биноси А ва Б блоклардан иборат.
А блок – 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 30,0х14,4 метр. Қаватнинг баландлиги 3 метр.
А блокда қуйидаги хоналар жой-



лашган: 1-қаватда тамбур, вестибюль қабулхона, мудира, методист, психолог ва логопед хонаси, тиббиёт хонаси, процедура хонаси, жиҳозлар омборхонаси, ходимлар хонаси, ходимлар учун сан-



Б блок – 1 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 15,0х12,4 метр, қаватнинг баландлиги 3 метр.

Б блокда қуйидаги хоналар жойлашган: умумий зал, овқатланиш зали, ошхона, идишларни ювиш ва қуруқ озиқ-овқат омборхонаси, ун маҳсулотлари хонаси, ходимлар хонаси, ходимлар ювиниш хонаси, санузел, жиҳозлар, электррошит, кир ювиш ҳамда иситиш қувурлари хонаси.

Бино барча муҳандислик тизимлари (сув, канализация, электр, иситиш, вентиляция, видеокузатув, ёнгина сигнализацияси) билан таъминланган.

Намунавий лойиҳа Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича Инжиниринг компанияси" Давлат унитар корхонаси (ДУК) билан келишилган ҳолда яратилган.

"Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти" ДУК директори Н. Ж. Нарматов.
Институт бош муҳандиси Ш. Носиров.



ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси), Козим Тулганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

БУ – ҚИЗИҚ!



Европада осмонўпар бинолар нега кам?

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Барчамизни қизиқтирадиган бир савол бор. Европада нега осмонўпар бинолар кам қурилади? Модерн дунё шаҳарлари осмонўпар иншоотлар қуришда рақобатлашаётган бир пайтда тараққий этган Рим ёки Берлинда бунақа манзарани учратавермаймиз. Маълумотларга кўра, Европа қитъасида 200 тадан ортиқ осмонўпар бино бўлиб, уларнинг 66 фоизи Лондон, Париж, Истанбул, Москва ва Франкфуртда жойлашган.

XIX асрда Чикаго, сўнгра Нью-Йорк шаҳрида кўп қаватли иншоотлар қурила бошланди. Уша пайтлар Европада шаҳар бинолари эски даврда қурилган иморатларга уйғун шаклда иншо этиларди. Шунингдек, кўҳна қитъа аҳолиси америкаликларга қараганда кенгроқ худудларга ёйилган, ўзаро келишув асосида яшар эди. Шунинг учун ҳам европаликлар осмонўпар биноларнинг қурилишини қувватламади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Европанинг кўп шаҳарлари йирик йўқотишларга дуч келди. Уруш ниҳоялагач меъмор ва қурувчиларнинг олдига шаҳарларни қайтадан тиклаш вазифаси турар эди. Аммо ушбу жараён минтақада осмонўпар биноларнинг кўпайишига сабаб бўла олмади. Вайронгарчиликдан омон қолган бинолар эса тарихий ёдгорлик сифатида қўрилди. Европаликлар кўп қаватли бинолар қуриш ўрнига, эскиларини реставрация қилишни афзал билишди.

Қолаверса, урушдан кейин Европа аҳолиси нисбатан озчилликдан иборат эди ва булар йирик биноларнинг иншо этилишига туртки бўла олмади. Бошқа тарафдан фашизм устидан ғалаба қо-

зонган Совет Иттифоқининг марказий шаҳарларида ўрта катталиқдаги бир-бирини такрорловчи бинолар қурилиши бошланди. Кейинчалик Европада ҳам Совет шаҳарларига тақлидга ўтилди.

Аммо 1960 йилларга келиб Брюсселда меъморий ва аънавий қадриятларга кўз юмилб, тартибсиз иншоотлар қурила бошланди. Тез орада шаҳар аҳолиси бу қурилишларга қарши норозиликлар кўрсата бошлади. Натижада "Брюсселлашма" термини юзага келди. Ушбу ҳаракатларнинг ортидан кўплаб машҳур меъмор ва қурилиш вакиллари шаҳарнинг қайта ишланган режасини ишлаб чиқишига киришди ҳамда қурилатган янги биноларнинг катталиги ўзгартирилиб, шаҳарнинг бош режаси асосида янги иншоотлар қурилиши бошланди. Брюсселдаги воқеалар Европанинг бошқа нуқталарига кўчиб, шаҳарларда аънавий ва тарихий меъморчиликка асосланган қурилишларга уруғ берила бошланди.

XI асрнинг бошларида дунё микёсида қути шаклидаги беўшсов иншоотлар қурила бошланди. Эндиликда Европа умумий глобализация натижасида модерн қурилишларни қўлаб-қувватлашга ўтди. Лондон, Париж, Москва ва Франкфурт каби шаҳарларда молия марказларига талаб ортган сари осмонўпар бинолар иншо этилди.

Тадқиқотларга кўра, 2030 йилгача бутун дунё аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи шаҳарларда яшай бошлайди. Бу эса, шаҳарларда осмонўпар турар жойларнинг қурилиши кўпайишидан дарак беради.

Аммо Европа шаҳарларидаги биноларга меъморий мерос сифатида қаралиши, минтақа аҳолисининг глобал қурилишлардан кўра, мавжуд тарихий турар жойларга аҳамият кўрсатиши осмонўпар биноларнинг қурилишига тўсиқ бўлиши мумкин.

Олтин қопланган меҳмонхона



Вьетнамда дунёдаги биринчи беш юлдузли, ички ва ташқи қўриқчиларга 24 қаратли олтин қопламаси ишлатилган меҳмонхона мавжуд.

25 қаватдан иборат "Dolce Hanoi Golden Lake" номли бу бино мамлакат пойтахти – Ханой шаҳри марказида қад ростлаган. Ҳашаматли иморат қурилишига 10 йил вақт кетган. 342 хонадан иборат меҳмонхонада бир кун тунаш киши бошига 250 долларга тушади. Хусусий апартаментга эга бўлиш нархи эса бир квадрат метр жойига 6 500 доллардан бошланади.

Эслатиб ўтамиз, "Dolce Hanoi Golden Lake" безак учун сарик металл ишлатилган ягона меҳмонхона эмас. Бундай тилла қоплама ишлатилган иморатлар рўйхатида Дубайдаги "Burj Al-Arab", Лас-Вегасдаги "Trump International Hotel" ва Абу-Дабидаги "Emirates Palace" бинолари ҳам бор.

Етти хазинанинг бири

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Учқўрғон – Наманган вилоятидаги тез тараққий этаётган туманлардан бири. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат ва қурилишнинг ҳам салоҳияти ортиб бормоқда.

Айниқса, бутунлай янги тармоқлар вужудга келатгани эътиборга моликдир. Улардан бири балиқчилик бўлиб, аҳоли даромадларини янада оширишга хизмат қилмоқда.
– Туманимизда сув сероб, – дейди меҳнат фахрийси Муҳаммадjon Охунжонов. – Кейинги йилларда сувдан нафақат суғориш, балки бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланила бошланди. Уч йил аввал Катта Фарғона каналининг бошланиш қисмида кичик гидроэлектростанция қуриб битказилди. У туманни электр қуввати билан таъминлаш салоҳиятига эга. Табиий ва сунъий ҳавзаларда балиқчиликка асос солинган ҳам яхши самара келтирмоқда.

2019 йилда иш бошлаган "DB Group Eco" қўшма корхонаси соҳани ривожлантиришга асос солди. Амалга оширилган лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм бўлиб, шундан 28 миллиарди банк кредити, 12,5 миллиарди эса тадбиркор маблағидир. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 500 тоннага

тенг. Шунча миқдордаги балиқ маҳсулоти Европа тажрибасига асосланган ҳолда етиштирилади. Балиқ увилдириқдан то товар ҳолатига етгунга қадар 1-1,5 йил вақт кетади.
Шу йилдан бошлаб тармоқни янада ривожлантириш режалари тузилди. Норин дарёси қирғоқларида форель балиғини етиштириш бўйича 102 гектар майдонда 6 та йирик балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиб, бунинг учун 339,4 миллиард сўм сармоя ажратилди.

Балиқчилик вилоятнинг бошқа туманларида ҳам тараққий этмоқда. Масалан, Мингбулоқ иқтисодиётининг ўсиш нуқталаридан бирига айланиши мумкин. Бу ерда бугунги кунда 125 та балиқчилик хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда соҳада кескин ўзгаришлар яшаш имкониятлари йўқ эмас. Бунинг учун интенсив технологиялардан кенг фойдаланиш зарур. Шунда харажат камаяди, сифат ва маҳсулдорлик эса ошади.

Мазкур йўналишда Поппа ҳам кўп иш қилиш мумкин. Ҳозир туманни балиқчилик бўйича етакчи худудга айлантириш режалари ишлаб чиқилган. Яқинда балиқчилик хўжаликларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган мулоқотда соҳани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Мавжуд муаммоларни ўрганиб, ечимини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилди.



ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК-БЎЛСИН!

Январь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бугалтерия хисоби бўйича бош мутахассис **Рустамжон Наврўзов**,
Қорақалпоғистон Республикаси Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бош директори **Оразбай Шаназаров**,
Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасининг кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектори **Шероз Эргашов**,
Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Сардоржон Бобоев**,
"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм вилояти филиали бош мутахассис-архитектори **Оллаберган Маҳмудовларни** таваллуд кунини чин дилдан муборакбод этамиз.
Сирдарё вилояти, Сардоба тумани қурилиш бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Абдушуқуров**,
Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (қотибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@gmail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – F143.
2204 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Р. Ҳўжаева.
Ўза якуни – 0115.
Топширилди – 0150.